

## Фитрат аҳли ҳақида келган нарсалар

05:00 / 13.03.2017 4110

Фитрат аҳли икки пайғамбар даъвати орасида яшаб ўтган кишилардир. Улар ўзларига даъват етиб бормагани учун ҳеч қайси пайғамбарга иймон келтирмаган ҳолда ўлиб кетганлар.

Аллоҳ таоло: **«Токи, Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз»**, деган (Исро, 15).

Яъни, «Инсонга ўзига берилган ақл, фаросат билан дунёдаги қудратимизга, ҳолиқ ва мудаббир, розиқ эканлигимизга далолат этувчи мўъжизалардан хулоса чиқарган ҳолда тўғри йўлни танлаб, Бизга иймон келтириб, ибодат қилишни фарз қилишга, агар у бажармаса, жазолашни жорий қилишга ҳаққимиз бор эди. Аммо бундай қилмадик. Бандаларимизга раҳм қилдик. Мазкур нарсалар устига яна огоҳлантирувчи, эслатувчи Пайғамбар юборишни ҳам ирода этдик. Пайғамбар огоҳлантиргандан кейин ҳам иймон ва Исломи йўлини танламаганларни азоблашга, Пайғамбар ва унинг даъвати етмаганларни эса, азобламасликка қарор қилдик».

Демак, фитрат аҳллари ҳам Аллоҳ таоло у дунёда азобламайди. Чунки улар пайғамбар юборилмаган қавмлар қаторидадирлар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Бир киши:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, отам қаерда?» деди.**

**«Отанг дўзахда», дедилар.**

**У одам ортига қайтиб кетгандан кейин у зот:**

**«Албатта, отам ва отанг дўзахдадир», дедилар».**

Шарҳ: Пайғамбар алайҳиссаломдан «Отам қаерда?» деб сўраган одамнинг исми Абу Разин бўлган. Уламоларимиз: «Пайғамбар алайҳиссаломнинг «отам» деганларида кўзда тутилган шахс - Абу Лаҳаб», деганлар.

Абу Лаҳаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари бўлган ва дўзахга кириши аниқ бўлган шахсдир. Арабларда «Амаки ота ўрнида», деган гап бор. Пайғамбар алайҳиссалом ушбу ҳадиси шарифдаги гапни ана шу эътибордан айтганлар. У зотнинг наслий оталари Абдуллоҳ фитрат аҳлидан бўлганлар ва жаннатга тушишига жумҳур уламолари иттифоқ қилганлар.

Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Воида ва мавуҳда дўзахдадир», дедилар».**

Иккисини Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Воида — кичик қизни тириклай кўмиб ташловчи аёл. Мавуҳда — тириклай кўмилган қиз. Зоҳирдан тириклай кўмилган қиз ҳам дўзахга тушиши англаниши мумкин.

Лекин уламоларимиз бу ҳадиси шариф ҳақида бошқача маъно айтганлар. Уларнинг фикрларича, Воида — кичик қизни тириклай кўмиб ташловчи доя аёл. Мавуҳда — ўша қизни тириклай кўмишга рози бўлиб, бу ишда дояга ёрдам бериб турган она.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Нажжорнинг боғида ўзларининг хачирларини миниб борар эдилар. Биз у зот билан бирга эдик. Хачир у зотни олиб қочиб йиқитиб юборай деди. Қарасак, тўрттами, бештами, олтитами қабр турибди.**

**«Манави қабрларнинг эгаларини ким билади?» дедилар.**

**«Мен», деди бир киши.**

**«Улар қачон ўлганлар?» дедилар.**

**«Ширкда ўлганлар», деди.**

**«Албатта, бу уммати муҳаммадия қабрларида синовга учрайдилар. Агар дафн қилишдан бош тортишингиз бўлмаганида, Аллоҳга мен эшитиб турган қабр азобини сизларга ҳам эшиттиришини сўраб дуо қилардим», дедилар».**

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Демак, ширкда ўлганлар дўзахга тушадилар. Демак, қабр азоби ҳақ ва уни эшитган бандалар дафн этилишдан бош тортадиган даражада ундан кўрқадилар.

Жумҳур уламолари иттифоқларига биноан, Ислом даъвати етмаган кишилар ҳам «аҳли фитрат» дейилади. Даъват етмагани учун уларни кофир, деб ҳукм чиқарилмайди. Дўзахга тушишлари ҳақида ҳам ҳукм қилинмайди. Улар «фитрат аҳли» деб номланадилар ва қиёматда дўзах азобидан нажот топадилар ва бошқа жонзотлар қатори тупроққа қоришиб кетадилар.